



МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ

51.24
1147


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ

*Тиббиёт олий ўқув юртлиари педиатрия,
тиббий-педагогика, даволаш факультети
3 курс талабалари учун ўқув қўланма*



ТОШКЕНТ
«TURON IQBOL»
2015

УЎК: 613.6(075)
КБК: 51.24
М47

Тузувчилар:

Ш.Т. Искандарова - ТошПТИ, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси мудири, т.ф.д., профессор;

В.Т. Самадова - ТошПТИ, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси, т.ф.н., доцент;

М.Ф. Файзиева - ТошПТИ, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси, т.ф.н., доцент;

М.А. Одилова - ТошПТИ, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси, ассистент.

Тақризчилар:

М.И.Хасанова, ТМА, Умумий ва радиацион гигиена кафедраси доценти;

Н.Ф.Расулова, ТошПТИ, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси, т.ф.н., доцент.

Меҳнат гигиенаси. Ўқув қўлланма. Искандарова Ш.Т. ва бошқ.; Т.: «TURON IQBOL», 2015. 140 бет.

Меҳнат гигиенасининг ўрганиш объектлари бўлиб ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусияти, жиҳозлар ва ишлов берувчи материаллар, меҳнатнинг санитар шароитлари, ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил қилиниши, ишчилар организмда иш бажариш таъсирида келиб чиқадиغان физиологик функцияларнинг ўзгаришларни, санитар-техник мосламаларнинг, шахсий химоя воситаларининг гигиеник самарадорлиги ва бошқалар ҳисобланади.

Тиббиёт олий ўқув юртлари педиатрия, тиббий педагогика ва даволаш факультети 3 курс талабалари учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Марказий услубий кенгашида муҳокама қилинди ва нашрга тавсия этилди.

УЎК: 613.6(075)
КБК: 51.24я73

ISBN 978-9943-14-343-2

© «TURON IQBOL», 2015
© Искандарова Ш.Т. ва бошқ., 2015

МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ ВА ИШЧИЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Меҳнат инсон ҳаёти ва фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўз ҳаётининг кўп қисми давомида ишлаб чиқариш соҳасидаги ёки қишлоқ хўжалигидаги жамият учун фойдали меҳнат билан машғул бўлади. Охирги ўн йилларда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига янги техника ва замонавий технологияларнинг киритилиши туфайли ишчилар организмига ишлаб чиқаришдаги кўпгина зарарликларнинг ноҳуш таъсири камайган.

Хусусан, бунга оғир жисмоний ишларни бажариш учун кўп қувватли механизмларнинг ишлатилиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг комплекс автоматлаштириш, жиҳозларни герметиклаштириш, кимёвий ва хом ашёни қайта ишлаш корхоналарида ёпиқ ва қайтарилиш технологик циклларни қўллаш, дистанцион бошқариш ва назорат қилишни қўллаш каби тадбирлар ёрдам бермоқда.

Кенг тарзда қўлланган технологик, санитар-техник ва даволаш-профилактик тадбирлар комплекси корхоналарда касб касалликларини камайтириб, уларнинг структурасини ўзгартирмоқда. Ҳозирги пайтда баъзи бир касб патологиялари ишлаб чиқариш жараёнидан ҳавфли ва заҳарли бирикмаларнинг чиқариб ташланиши (масалан, бензол ва бошқа органик эритувчилар), туфайли амалиётда деярли учрамай қолди. Касб касалликларининг кўпинча енгил ва белгилари кучсиз намоён бўлган тарздаги кўринишлари қайд этилмоқда.

Шу билан бирга замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида турли хилдаги янги зарарли омиллар пайдо бўлмоқда. Масалан, лазер нурлари, плазмали жараёнлар, инфра - ва ультратовушлар, ионлаштирувчи нурлар каби физикавий зарарли омиллар шулар жумласига киради. Янги кимёвий моддалар ишлатилмоқда. Уларнинг канцероген, мутаген, аллерген ва бошқа турдаги таъсири бор. Компьютер техникаси кенг ишлатилиши муносабати

билан психофизиологик зарарли омиллар муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ЭВМ операторлари кўпинча кам ҳаракат бўлган-ликлари учун, уларда гиподинамия ва унинг оқибатлари кузатилади.

Соғлом ва беҳавотир меҳнат шароитларини яратиш соғлиқни сақлаш тизими, гигиена фани ва амалиёти олдида турган асосий вазифадир.

Меҳнат гигиенаси - профилактик тиббиёт – умумий гигиенанинг муҳим бўлими бўлиб, меҳнат шароитлари, хусусиятларини, унинг ишчилар саломатлигига ва функционал ҳолатига таъсирини ўрганади ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг ишчиларга зарарли ва ҳавфли таъсирининг олдини олишга қаратилган илмий асосланган амалий тадбирлар ишлаб чиқади.

Гигиена фанининг бу бўлими меҳнат жараёни ва ишлаб чиқариш шароитларини уларнинг ишчилар организмга таъсир қилиши нуқтаи назаридан ўрганади. Меҳнат гигиенаси оптимал меҳнат шароитлари ва айрим ишчилар, ишчилар жамоаларининг саломатликлари, иш қобилиятларини сақлашга қаратилган гигиеник меёрлар ва профилактик тадбирлар ишлаб чиқади. Бунинг учун меҳнатнинг ижтимоий ва биологик моҳиятини тушуниб етиш, меҳнат жараёнини, унинг ишчи организмга таъсирини яхши билиш, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва меҳнат хусусиятларининг касб патологиясига киритаётган ўзгаришларини аниқлаш лозим.

Меҳнат гигиенасининг ўрганиш объектлари бўлиб ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусияти, жиҳозлар ва ишлов берувчи материаллар, меҳнатнинг санитар шароитлари, ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил қилиниши, ишчилар организмда иш бажариш таъсирида келиб чиқадиган физиологик функцияларнинг ўзгаришларни, санитар-техник мосламаларнинг, шахсий ҳимоя воситаларининг гигиеник самарадорлиги ва бошқалар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш шароитларининг зарарлилик ва ҳавфлилик даражаси бўйича синфларга бўлиниши

1-синф – Оптимал иш шароитлари. Бунда ишчиларнинг саломатлиги яхши сақланади ва иш қобилияти юқори даражада